

Карта ўйнаш ҳаромми?



23:05 / 10.11.2018 12865

Савол: Картада «сувара», «дуррак», «пирра», «қора хотин» каби ўйинларни ўйнаш қимор бўладими? Мумкинми, ё мумкин эмасми?

Жавоб: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Орага пул тикиб карта ўйнаса, қимор бўлади. Пул тикмасдан ўйнаш намоз ва зикрдан тўсса, ҳаром бўлади. Бу умумий ҳукм. Аммо эътибор бериб қарасангиз, шундай ўйинларни ўйновчилар, одатда, Аллоҳни кам зикр қилувчи ва намозга бепарво кимсалар бўладилар. Ва яна, бундай ўйинлар вақтнинг зое кетишига сабаб бўлгани учун ҳам ҳаром ҳисобланади. Валлоҳу аълам.

“Зикр аҳлидан сўранг” китобидан